

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №5

2022 й. «22» 9

218-13-194-ОВ/2022-сон

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Элликқалъа тумани Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи О.Саидалимов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Элликқалъа туман йўллардан фойдаланиш» УК номидан Низоми асосида иш кўрувчи Т.Рахманов иккинчи томондан Элликқалъа туман, «Ақчакол» ОФЙ ва Шарк Юлдузи овули билан боғловчи автомобил йулини жорий таъмирлаш объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шарномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлик тўғрисида ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитилган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони- мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича «Буюртмачи» томонидан «Пудратчига» берилган ер участкаси.

Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар- пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш- ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлар қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II- ШАРТОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шарнома шартларига томондан Элликқалъа туман, «Ақчакол» ОФЙ ва Шарк Юлдузи овули билан боғловчи автомобил йулини жорий таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III- ШАРНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган танлов савдоси (танлов) натижасида аниқланган танлов комиссиясининг қарори 2022 йил «16» сентябрдаги 148976 -сонли байённома билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 1 076 000 000 (бир миллиард етмиш олти миллион) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳолларда бундан мустасно:

Қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда;

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV- ПУДРАТЧИ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II- бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

Қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахларни ва ер участкасини муҳофза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

Қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

Қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ўз кучлари ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага, иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатларини рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 15% миқдоридан аванс ўтказилади, бу 161 400 000 (бир юз олтинчи бир миллион тўрт юз минг) сўмни ташкил этади, қолган 85 % , яъний 914 600 000 (туққиз юз ун тўрт миллион олти юз минг) сўм маблағ эса объектни молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалига асосан олиб борилади.

VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ

(ФОРС-МОЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

16. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

17. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

18. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

19. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасигача амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин шунингдек, қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қондаларига биноан амалга оширилади.

20. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

21. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган тартибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

22. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

X. КАФОЛАТЛАР

23. Пудратчи : барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини ;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари , қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини ;

Ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларини кўрсатилган сертификацияларга , давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини, ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

XI.ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКІЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

24. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди , бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 %дан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

25. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга , қурилиш меъёрлари ва қоидаларига , иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса , у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 % миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

26. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда , мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида , шу жумладан берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

27. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларидан озод қилмайди.

28. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

XII. КОРРУПСІЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШГА ДОИР МАЖБУРИЯРТЛАР

Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар: коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларини амалга оширмаслик;

Шу жумладан пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан тўғри ёки билвосита пора олишига, яъни моддий бойликлар ёки мулкӣ имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида ходим ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муайян ҳаракатларни бажармаслиги шарт.

Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар

XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

29. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

30. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

31. Ушбу шартнома туман "Ғазначилик" бўлинмасида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб, 2022 йил 31 декабргача ўз кучида қолади.

32. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

33. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ёзма келишуви асосида талабларнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган ҳужжат асосида бўлади.

34. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган (2 нусхада) тузилди.

XV.ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ :

«БУЮРТМАЧИ»

Элликқалъа тумани Ободонлаштириш бошқармаси
Манзили: Бўстон шаҳри, Турткул шох кўчаси 1- уй
Тел.факс: 55-102-14-58
Ш/хв: 100022860352507045204110005
СТИР:204648577 ОКОНХ:90290
Молия Вазирлиги ягона Ғазначилик бўлинмаси
х/р: 23402000300100001010
СТИР:201122919 МФО:00014

Банк номи: Марказий банк Бош Бошқармаси
Тошкент шаҳри

«ПУДРАТЧИ»

"Элликқалъа туман йўллардан фойдаланиш УК"
"Манзили: Элликқалъа тумани Беруний шоссе
Тел факс 97-788-36-46
х/р: 20210000200414259007
Банк номи: "АТ ХАЛҚ БАНКИ" ЭЛЛИКҚАЛЪА
ФИЛИАЛИ
ИНН: 200400501 МФО: 00646



Рахбар



О.Саидалимов.



Рахбар

Т.Рахманов

YURIDIK АҲАМИЯТГА ЕГА HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2.Loyihaning nomi: Xo‘jalik shartnomasi

Ellikqa‘la tuman yo‘llardan foydalanish” UK va Ellikkal‘a tuman Obodonlashtirish boshqarmasi o‘rtasidagi 2022 yil sentabroyidagi 1 076 000 000 (Bir milliard yetmish olti million) so‘mni tashqil qiladigan oldi sotdi shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot:

Ellikqal‘a tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022 yil 21 sentabr kuni ishlab chiqilgan va dasturga 2022 yil 21 sentabrda kiritilgan. Ellikqa‘la tuman yo‘llardan foydalanish” UK ning guvoxnomasi shartnomaga ilova qilingan.

4.Loyiha bo‘yicha taklif va (yoki) e‘tirozlar:

Loyiha amaldagi O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 386-436 moddalari hamda 1998 yil 29 avgust kungi 670-I son “Xo‘jalik yurituvchi sub‘yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi qonuni hujjatlarida.

Xo‘jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko‘ra o‘zaro kelishuvga erishish lozim bo‘lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak.

Xo‘jalik shartnomasida hisob-kitob qilish tartibi belgilanayotganda tovarlar (ishlar, xizmatlar) haqini qonunchilikda belgilanganidan kam bo‘lmagan miqdorda oldindan to‘lab qo‘yish albatta nazarda tutilgan bo‘lishi kerak.

Xo‘jalik shartnomasini tuzishda taraflar tegishli turdagi shartnomalar uchun ishlab chiqilgan hamda huquqiy ekspertizadan belgilangan tartibda o‘tkazilganidan so‘ng e‘lon qilingan o‘zlarining namunaviy yoki tipovoy shartlariga (shakllariga) amal qilishlari mumkinligi ko‘rsatilgan.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 14.09.2021-yildagi PF-6313-son Farmoniga muvofiq.

Xo‘jalik yurituvchi sub‘yektlar tomonidan davlat xaridlari bilan bog‘liq tuziladigan shartnomalarda majburiy ravishda korrupsiyaga qarshi qo‘shimcha shartlar belgilanadi.

Shartnomaning tarafi va u tomonidan jalb qilingan shaxslar (yordamchi pudratchi tashkilotlar, agentlar va taraflar nazorati ostidagi boshqa shaxslar) tomonidan korrupsiyaga qarshi qo‘shimcha shartlarga rioya etilmaganda, ikkinchi taraf shartnomani bir taraf lama to‘xtatib turishga, bekor qilishga hamda zararni qoplab berishni talab qilishga haqli bo‘ladi deb ko‘rsatilgan.

Loyiha qonun xujjatlarida ko‘rsatilgan talablarga muvofiq ishlab chikilgan qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsul‘ti



S.Nurmaxashev



Эллиққалъа тумани Ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил «МЕНИНГ ЙЎЛИМ» дастури учун ажратилган маблағни мақсадга мувофиқ харажат қилиш бўйича тузилган «Энг яхши таклифларни танлаш» комиссиясининг йиғилиш

БАЁННОМА СИ № 8

Эллиққалъа тумани Ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил «МЕНИНГ ЙЎЛИМ» дастури учун ажратилган маблағга Эллиққалъа тумани Акчакол ОФЙни ШаркЮлдузи овулига боғловчи автомобил йулини жорий таъмирлаш ишлари учун.

Комиссия раиси	О.Саидалимов	Бош муҳандис
Комиссия аъзоси	Д.Раджапов	Бош мутахассис
Комиссия аъзоси	А.Хаджиев	бош ҳисобчиси
Комиссия аъзоси	Б.Бабажанов	муҳандис
Комиссия аъзоси	Р.ДЖумабаев	Кадрлар бўйича бош мутахассис

Тингланди

1. Комиссия аъзолари томонидан 2022 йил харажатлар сметасида белгиланган маблағдан Эллиққалъа тумани Акчакол ОФЙни ШаркЮлдузи овулига боғловчи автомобил йулини жорий таъмирлаш ишларини таъмирлаб берувчи ташкилотлардан келиб тушган баҳолар, шу таъмирлаш баҳоларини аниқлаш мақсадида куйидаги ELLIKQAL'A TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH UK, ТУПРОККАЛЪА МАХСУС КУРИЛИШ МЧЖ лар тақдим қилган тижорат таклифлари кўриб чиқилди.

Ушбу таклифлар бўйича комиссия Эллиққалъа тумани Акчакол ОФЙни ШаркЮлдузи овулига боғловчи автомобил йулини жорий таъмирлаш ишларини №148976-сонли лотга 2022 йил 16-сентябр кунги баённома билан ELLIKQAL'A TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH UK, энг яхши таклифни танлаш ҳолиби булиб бу юзасидан 2 (икки) иш кун муҳокамада турди ва ҳеч қандай таклиф ва шикоятлар келиб тушмади.

Унга кўра куйдаги Товар (иш хизмат)ва маҳсулотлар етказиб берувчилардан куйдагича таклифлар тушди:

№	Товар иш хизматлар номи	Лот номери санаси ва бошланғич суммаси	Миқдори	ELLIKQAL'A TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH UK,	ТУПРОККАЛЪА МАХСУС КУРИЛИШ МЧЖ
Ташкилот манзили:				Эллиққалъа	Турткул
Ташкилот СТИРИ				200400501	301401006
1	Эллиққалъа тумани Акчакол ОФЙни Шарк Юлдузи овулига боғловчи автомобил йулини жорий таъмирлаш	Лот № 148976 1079403460 сум	1	1 076 000 000	1 079 300 000
2	Умумий бал			100	90,9
ЖАМИ:				1 076 000 000	1 079 300 000
Алоҳида шартлар				Сифатли хизмат қилиш талаб қилинади.	


Комиссия раиси О.Саидалимов сўзга чикиб, бу ташкилотлар ичида ELLIKQAL'A TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH UK Акчакол ОФЙни ШаркЮлдузи овулига богловчи автомобил йулини жорий таъмирлаш ишларини, қисқа муддатларда сифатли ва мустахкамлигига кафолатини беришини айтиб ўтди ва 2 (икки) иш куни мухокамаси яқунланиб ҳеч қандай таклиф ва шикоятлар келиб тушмагани сабабли


Қарор қилади :


1. ELLIKQAL'A TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH UK Акчакол ОФЙни Шарк Юлдузи овулига богловчи автомобил йулини жорий таъмирлаш ишларини арзон сифатли ва мустахкамлигига кафолатини беришни инobatга олиниб, шу корхона билан шартнома тузилсин.


2. Ушбу Эллиққалъа тумани Акчакол ОФЙни Шарк Юлдузи овулига богловчи автомобил йулини жорий таъмирлаш ишлари сифатини назорат қилиш ва ушбу қарорнинг бажарилиши ҳамда курилиш ишларини қабул қилиб олиш бошкарма бошлиги Н.Сержановга юклатилсин.

3. Ушбу қарорга асосан икки томонлама шартнома тузиш бош ҳисобчиси А.Хаджиевга ва белгиланган маблағни пул ўтказиш йўли билан ўз вақтида амалга ошири юклатилсин.

Комиссия раиси :  О.Саидалимов

Комиссия аъзолари :  Д.Раджапов

 А.Хаджиев

 Б.Бабажанов

 Р.Джумабаев